

### БИСМИЛЛАХИР РОХМАНИР РОХИЙМ

Барча оламларнинг Парвардигори, Мехрибон ва Рахмли Аллох таолога беадад ҳамду саноларимиз ҳамда Ул Зотнинг севикли бандаси ва сўнги Пайгамбари бўлмиш хазрати Мухаммад Мустафога дуо ва салавотларимиз бўлсин.

Сўзларнинг энг рости Аллох таолонинг Сўзидир. Йўлларнинг энг чиройлиси Мухаммад алайхиссаломнинг Йўлидир.

Бизнинг максадимиз, Аллох таолодан мадад ва тавфих тилаб, энг Рост Сўз, бутун оламларнинг Эгаси бўлган Парвардигоримизнинг Сўзини англаш – ўрганишдир.

Маълумки, тафсир илми – Куръони Каримнинг хар бир оят ва калимасини тахкик ва тадқиқ қилиш – қадимдан, хазрати Мухаммад алайхиссалом вассалом Пайгамбар бўлиб юборилганларидан – у Зоти бобаракотга Куръон оятлари нозил бўла бошлаганидан, у кишининг ўзлари, саҳобалари ва тобеинлар замоналаридан бошланган. Куръони Карим сиз билан бизга Оллохимиз тарафидан юборилган бир кўрсатмадир, хикматдир, Охират диёри хақида – сиз билан биз кўра олмайдиган диёр хақидаги хабарлардир ва бу хабарлар бутун оламларнинг, балки дунё ва Охиратнинг Эгаси бўлган Аллох таоло Ўзи берган хабарлардир.

Шунингдек, Куръони Карим бизлар учун инсоният учун туширилган Буюк Мўъжиза Китоб бўлиб, бу Китобда Аллох таоло бизни қай тарзда мусулмон бўлиб яшашимиз, қандай амалларни қилишимиз ва қайси амаллардан узоқ бўлишимиз лозимлиги хусусидаги Ўз Илохий фармонлари билан таништиради. Шунингдек, биздан аввал ўтган асрлар, авлодлардаги кишиларнинг ҳаётлари, мўминларнинг топган оқибатлари, кофирларнинг мубтало бўлган балолари ҳамда бутун осмонлардаги хабарлар ва бу дунёдан кейинги ҳаётнинг хабарлари, ўша кейинги ҳаётдаги Киёмат Кунининг хабарлари ва Аллох таоло Ўзи ўша Охират диёрига жойлаган жаннат ва дўзах хабарлари ҳам Куръони Карим оятлари орқали бизга етказилади. Куръони Каримни – бу мўъжиза Китобни Мехрибон Аллохимиз хар биримиз тушунадиган қилиб, инсонлар ишлатадиган сўзлар билан, инсонлар англайдиган каломлар билан араб тилида нозил қилган. Лекин бу Калом Мўъжиза – барчани ожиз қолдиргувчи Сўз бўлгани учун шундай бир тубсиз денгизки, унинг тагига бирон инсон, бирон олим етолмаслиги табиий ҳолдир. Балки, шунинг учундир, бизларга унинг зохирий маъноларини англаб амал қилишимиз буюрилган. Энди бу Сўзни яхшироқ англашимиз учун Куръон тафсирларига муҳтожмиз. Уламолар ёзишларича, аввало, Куръоннинг энг яхши тафсири Куръони Каримнинг ўзидир. Яъни Куръондаги бир оят мазмунини бошқа бир оятда янада яхшироқ тушуниб оламиз. Яна Куръонни Жаноб Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг ҳадислари тафсир қилар экан. Яъни хар бир оятнинг тарихини, нозил бўлиш сабабларини Ҳадиси Шариф тафсир қилади. Куръони Карим Аллох таолонинг буюк Илохий неъматидир. Парвардигоримиз бутун оламларни яратиб ва уларни сиз билан бизга бўйсундириб, одамзотни Ўзининг ердаги халифаси қилиб қўйганидан кейин, энди бизларга мана шу дунёда Ўзи рози бўладиган тарзда ҳаёт кечирашимиз, хақикий халифалик қилишимиз, чин инсон бўлиб яшаб ўтишимиз учун бир қўлланмани ҳам туширди. Токи хар ким ўз

хавойи нафси билан, нокис акли билан хар хил йўлларга адашиб кетмасин, деб Аллох таоло мана шу дунёдаги хаётимизнинг энг тўгри йўлини кўрсатадиган кўрсатма, дастурул-амал килиб Куръонни нозил килди.

Демак, биз Куръон кўрсатмаларига амал килиш учун аввал унинг мазмун-мохиятини тушунишга уринишимиз керак, Куръонни Куръон билан тушунишимиз керак, Куръонни Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг хадислари билан тушунишимиз керак. Аллох таоло Куръони Каримда хазрати Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга хитоб килиб: «Сиз одамларга Куръонни баён килиб берасиз», деган вазифани Ўз Пайгамбарининг зиммаларига юклади. Демак, Куръон мазмунларини чуқуррок англашда бизга хадис – Пайгамбар алайхиссаломнинг суннатлари кўмакка келади.

Яна хазрати Пайгамбар алайхиссаломнинг сахобалари хам бизга Куръонни тафсир – шарх килиб кетганлар. Шулардан энг улуглари Абдуллох ибн Аббос розияллоху анху (Аллох у кишидан рози бўлсин) – барча Куръон илмини билувчиларнинг, Куръон тафсир хилувчиларнинг имоми эдилар. Бу киши Макка тафсирчиларининг пешвоси эдилар. Мадинаи мунавварада Убай ибн Каъб исмли улуг сахоба розияллоху анху Мадина тафсирчиларининг имомлари эдилар. Ирок диёрида эса Абдуллох ибн Масъуд розияллоху анху дек улуг зот Ирок тафсирчиларининг пешвоси эдилар. Буларнинг тафсирларидан, улардан эшитган тобеинларнинг тафсирларидан Куръон тафсирлари бошланган. Тафсир дегани Куръоннинг хар бир калимаси тагида ётган маънони наклий ва аклий далиллар билан шархлаб англатиш, хар бир оят ва калима нима маънога далолат килишини изохлаб, ўқувчи онгига етказишдир.

Биз Аллох таолодан файз ва илхом тилаб Куръонни тафсир хилишга киришар эканмиз, аввало, Куръони Каримни Куръоннинг ўзи билан англашга харакат хиламиз ва Пайгамбар алайхиссаломнинг хадислари хамда у Зот сахобаларининг тафсирларидан фойдаланиб, сизларга етказиш харакатида бўламиз.

Куръони Карим шундай буюк Илохий мўъжизаки, ушбу мислсиз Илохий Каломнинг сирини англаш ва англатиш максатида турли асрларда минглаб тафсирлар ёзилди ва хали хам ёзилмоқда. Бундан кейин хам то Киёматгача бу Китобнинг сирини тўлик очиб бериш мумкин эмас. Ушбу азиз Китоб шу кадар Буюк Мўъжизадир, инсоният то охиригача англаб етиши мушкил бўлган, яъни зохирини англаш мумкин бўлса хам, маъзи-мохиятини билишимиз мушкил бўлган Каломуллохдир. Шунинг учун биз бу тафсирда ўтган уламоларнинг тафсирларидан хам фойдаланамиз. Муродимиз Аллохимиз Сўзини ўзимиз тушунмаган холда факат лафзинигина ўқимасдан, балки маъноларини хам англашдир. Факатгина маъноларини англаб колмасдан, ўша англаган маъноларга амал килишдир, иймонимизни мустахам килишдир ва Аллохнинг Тўгри Йўлида юришдир.

Маълумки, Куръони Карим бир канча суралардан ташкил топган. Куръонда бир юз ўн тўрт (114) сура бор. Бу санок Аллох таолонинг буйруги билан Хазрати Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам тарафларидан белгилаб берилган. Хар бир суранинг ўз ичида камраб олган алохида мазмун-мохияти бор.

Куръони Каримдаги биринчи сура «Фотиха» сураси бўлиб, у ўз номидан маълум бўлиб турганидек, Куръонни очувчи сурадир. Бу сура Куръоннинг аввалида келгани ва ўзи кискагина — етти оятдан иборат бўлса-да, бутун Куръони Карим мазмун-мохиятини ўз ичида мужассам килгани учун ҳам Куръоннинг мазмунини «Очувчи» деган номга эга бўлган.

Энди бу суранинг Аллох таоло хузуридаги маком-мартабасига келсак, улуг сахобалардан Убай ибн Каъб розияллоху анху шундай ривоят хилганлар: «Бир куни жаноб Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам: «Сенга Куръондаги энг улуг сурани айтиб берайми?» дедилар. «Айтинг, ё Расулуллох», дедим. «Бу «Алхамду лиллахи роббил аламин» сураси, дедилар». Яъни Пайгамбар алайхиссалом мана шу «Фотиха» сураси Куръондаги энг улуг сура деб баҳо бердилар.

Хакикатан, айтиб ўтганимиздек, Аллох таоло ушбу буюк сурага – мана шу етти оятга ўз мўъжизаси билан Куръондаги мазмунни жойлаб қўйган экан. Шунинг учун ҳам бу энг улуг сурадир. Шу сабабдан бу сура хар бир мусулмоннинг тилида, дилида ва намозларининг хар ракъъатида бор бўлган сурадир. Хатто Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам «Ло солата илло би фотихатил-китоб – Агар фотихани ўқхилмаса, намоз комил намоз бўлмайди», деганлар. Демак, бу сура намозимизнинг хар ракъъатида бизга хамрох бўлган ва доимий тилимиздан тушмайдиган сурадир. Агар эътибор килсак, «Фотиха» сурасидаги яна бир Илохий сирру синоатга гувоҳ бўламиз – намозхон одам хар куни беш вақт намозида 32 марта шу сурани ўқийди, демак, 70-80 га кирган инсон ушбу сурани неча минг марта ўқиганини санаб адо қилиб бўлмайди. Яна нафл ибодатларни ҳам адо қиладиган ва намозлардан ташқари бу суранинг ўзини мудом такрорлаб ўқиб юрадиган кишилар ҳам бор. Лекин, ажабки, сиз айтадиган сўзлар ичида шу сурадан кўра сизга суюклирок, севиклирок, сура йўқдек, бир сўз йўқдек. Яъни хар қандай сўз ҳам, такрорлайверсангиз, эскириб қолади, зерикасиз, озгина ўқимай турсам, дейсиз. Лекин Аллохнинг Каломи бўлган бу буюк Сўзни – «Фотиха» сурасини хар куни неча бор такрорламанг, зерикмайсиз, билъакс, рохатланасиз, ором оласиз, дилингиз равшан тортади – очилади, чунки бу сура «Очувчи» сурадир.

Бу суранинг яна бир номи «Уммул-Куръон»дир. Яъни Куръоннинг онаси. Бутун Куръоннинг маъносини хамрагани учун ҳам шу номни олгандир.

Яна Аллох таоло бу сурани «Сабъул-масоний» – доим такрорланувчи етти оят, деб хам атайди. Куръони Каримда Аллох таоло жаноби Расулуллох соллаллоху алайхи васалламга хитоб қилиб: «(Эй Мухаммад алайхиссалом,) дархакикат, Биз Сизга етти такрорланувчини ва Улуг Куръонни ато этдик», дейди. Яъни Аллох таоло ушбу улуг сурани «Куръон»нинг ёнида алохида таъқидлаб айтади. Такрорланувчи дегани, хар ракъъаат намозимизда такрорланиб тургани сабаблидир. Баъзи уламолар такрорланувчи дейилганининг сабаби бу сура Куръони Каримдаги бошқа суралардан фарқли ўларок, икки бор нозил бўлган деб хам тафсир қиладилар. Яъни аввал Маккаи мукаррамада, сўнг Мадинаи мунавварада иккинчи марта нозил бўлган, шунинг учун такрорланувчи деган номга эга, дейдилар.

**1.❦❦ ❦ Бисмиллахи рохманир рохийм — Мехрибон ва Рахмли Аллох номи билан.**

Етти оятдан иборат бўлган ушбу муборак суранинг аввалги ояти «Бисмиллахир рохманир рохийм» оятидир. Бу ояти карима 114 та сурадан 113 тасининг аввалида келиши билан бирга мана шу биринчи суранинг илк оятидир. Факат «Бароат» – «Тавба» сураси олдида «Бисмиллахир рохманир рохийм» келмайди. Бу оят кўпчилик уламолар наздида «Алхамду» сурасининг биринчи оятидир. Айрим уламолар «Бисмиллахир рохманир рохийм» Аллохнинг оятидир, лекин сураи Фотиханинг биринчи ояти эмас, балки хар бир сура олдида келадиган алохида оятдир, дейдилар.

Ушбу ояти карима «Меҳрибон ва Раҳмли Аллох номи билан», деган маънони англатади ва бу билан Аллох таоло бизга хар ишни Ёлгиз Унинг номи билан бошлашимиз зарур эканини таълим беради. Яъни биз мўмин-мусулмонлар келадиган хар бир ишимизни ўз номимиздан килмаймиз, ёки ўзимизга ўхшаган инсонлардан бўлган кишининг номидан ҳам килмаймиз, ёки бирор миллат ёки ватан номидан ҳам эмас, балки бутун оламларнинг Парвардигори бўлган Аллох номи билан киламиз. «Бисмиллах», деганимиз, Аллох номи билан, деганимиздир.

Хазрати Пайгамбар соллаллоху алайхи васаллам бир муборак хадисларида: «Хар бир муҳим, аҳамиятли иш Аллохнинг номини зикр килмасдан бошланар экан, у иш охирига етмайди, балки чала бўлиб, кесилиб қолади», деганлар. Мана шунинг учун ҳам биз шариати Исломия буюрган, ижозат берган хар бир ишни Аллох номи билан бошлаймиз, биз – мусулмонлар мана шундай шарафга эгамиз. Демак, бисмиллах деб бошламокчи бўлган, шундай эътикодда бўлган инсон ўзи факат бисмиллах деб бошлайдиган ишларни килиши керак. Шунингдек, Аллох таоло харом килган, Аллохнинг номи билан бошлаб бўлмайдиган ишларга мусулмон одам кадам босмаслиги керак бўлади. Аммо кимда-ким Аллох харом килган, шариъатимиз манъ килган, динимиз кайтарган нотўғри гуноҳ-жиноят ишларни Аллохнинг номи билан бошласа, диндан чикиб, кофир бўлади. Чунки Аллохнинг номи билан факат халол ишларни бошлашга буюрилади, харом иш учун «бисмиллах» деган одам диндан чиқади. Масалан, Аллох таоло арокии харом килган, уни ичишда биров «Бисмиллахир рохманир рохийм», деб ичса, кофир бўлади. Аммо бу сўзни айтмай ичса, гуноҳкор бўлади ва кейин тавба килиб бу нарсага кайта якин келмаса, Аллох унинг бу гуноҳини кечиши умид килинади, лекин шу харом нарсани Аллох номи билан бошлаб ичиши Аллох таоло буни халол килган, дегани бўлиб, харомни халол деган ёки халолни харом деган киши диндан чикиб, кофир бўлади.

«Меҳрибон ва Раҳмли Аллох номи билан».

Аллох таоло бу ояти каримасида ишларимизни Ўзининг номи билан бошлашимизга буюрар экан, нафақат номи билан, балки У Зотнинг улуг сифатлари билан ҳам бошлашимизга буюрди. Ўзининг Раҳмон ва Раҳим сифатларини айтишга буюради. Эътибор беринг, Аллох таолонинг сифатлари жуда ҳам кўпдир.

Аллох таолонинг ҳамма нарсадан Голиб, кофирларни азобловчи, деган маънодаги Каххор деган сифати ҳам бор, яна бошка-бошка каттикликка далолат килувчи сифатлари ҳам бор. Лекин бизларга «Меҳрибон ва Раҳмли Аллох номи билан», деб бошлашимиз буюрилди. Бунда бизларга Яратган томонидан, энг аввало, меҳрибонлик, раҳмли бўлиш буюрилмокда, зотан, Пайгамбар алайхиссаломнинг шундай кўрсатмалари

бор. У Зот: «Оллохнинг хулки билан хулкланинглари» деганлар. Аллох таолонинг хулкларидан бири Рахмонлик ва яна бири Рахиймлик, яъни меҳрибонлик ва раҳмлиликдир.

Демак, мусулмон инсонда энг кўриниб турадиган сифат ўша Меҳрибонлик ва Раҳмлилик сифатидир. Шунинг учун ҳам хар куни, хар соатда Куръондан бирон сура ўқисак, Меҳрибон ва Раҳми Аллох номи билан бошлайман, деб тилимизда, тилимиз оркали бутун вужудимизга шу Меҳрибонлик ва Раҳмлилик фазилатлари сингиб кетиши учун Аллохимиз хар бир ишни Ўзининг мана шундай гўзал сифатлари билан бошлашимизга буюрган. Уламолар, биргина «Бисмиллахи роҳмани роҳим», деган оятнинг ўзи кишини иймон келтириб, мусулмон бўлиши учун етарли, дейдилар. Яъни бунда Аллохнинг исми ҳам зикр қилинди, ҳам сифатлари бўлган Раҳмон ва Рахийм исми зикр қилинди. Қарангки, биргина сўз билан биз Аллохимизнинг Зотини ва сифатларини танидик. Энди Меҳрибонлик – Раҳмон сифати қандай сифат?

Бизлар Аллохнинг бу улуг сифати чегарасига, ниҳоясига етиб-англашдан ожизмиз. У Зот шу қадар Меҳрибондир.

Жаноб Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам тарафларидан келган бир ҳадиси муборақда айтиладики: «Дунёдаги хар бир нарсага Аллох таоло Ўзининг меҳридан улашган». Масалан, хар бир ота-она – у хох инсон бўлсин, хох хашарот бўлсин, хох хайвонот – ўзининг фарзандига меҳрибондир.

Агар дунёда меҳр деган нарса бўлмаса, дунёнинг ўзи бўлмайди. Бутун дунёни ушлаб турган нарса меҳрдир, оқибатдир. Мана шу меҳр Еру осмонга Меҳрибон Аллох таоло томонидан улашилгандир. Аллох таоло бир муборақ ҳадиси Қудсийда: «Мен меҳрибонлик сифатини юзга бўлиб, шундан бир қисмини бутун оламга таркатдим, қолган тўксон тўққизини Ўзимда олиб қолганман», дейди. Қўрамизки, барча инсонлар ўз яқинларига меҳрибонлик қиладилар, хусусан, ўз фарзандларига қанчалар меҳрибон эканини қўрамиз. Ёки хайвонотлармиди, хашаротлармиди – барча-барча жонзотлар ўз болаларига меҳрибондир. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам бир ҳадиси муборақларида: «Чопиб кетаётган от ҳам оёғини ерга қўйишда боламни босиб олмай, деб бир ерга қараб олади, бу Аллох таоло мана шу отнинг дилига солиб қўйган меҳрининг аломатидандир», деганлар.

Ёхуд, масалан, бирон товукни хайдайдиган бўлсангиз, у сиздан қўркиб нарироқ кетиши мумкин. Лекин агар унинг ёнида жўжалари бўлса-ю, сиз уларга тегинадиган бўлсангиз, товук ўз жонини хатарга қўйиб, сизга даф қилади. Бу ҳам ўша жониворнинг болаларига бўлган меҳрибонлигидан – Аллохнинг бутун оламга таркатган бир қисм меҳридандир. Бундай меҳрни Яратганнинг хар бир махлуқида қўрасиз. Буларнинг барчаси ўша бир қисм меҳрдан бўлиб, қолган тўксон тўққизини Аллох таоло Охират Қуни учун олиб қўйди. Бандаларим – Менга иймон келтирган, Мени таниган, Менга ибодат ва яхши амаллар қилиш билан ўтган бандаларимни Қиёмат Қунида мана шу меҳрим билан сийлайман, гуноҳларини кечираман, Менинг зиёфатхонам бўлган жаннатга мана шу меҳрим билан киритаман, деб юздан тўксон тўққиз меҳрини Қиёматга олиб қўйди.

Аллох таолонинг бу Рахмон сифати бутун дунёдаги мўмину кофир, яъни Аллохни танигану танимаган, хатто Аллохни инкор килган инсонларга ҳам баробар дахлдор сифатдир. Яъни Аллох таоло дунёдан мўминларни фойдалантиргани каби, кофирларни ҳам фойдалантираверади. Яхши инсонларни фойдалантиргани каби, жуда ёмон жиноятчиларга ҳам бу хаётдан насиба бераверади. Аллох таоло бу дунёдаги меҳрини ҳаммага улашади. Уламолар Аллох таолонинг бу сифатини барча мўмину кофирга тааллуқли деб тафсир килганлар.

Аmmo Рахим – Рахмлилик сифатига келсак, Аллох таоло Охиратда факат мўминларгагина рахм-шафкат кўрсатади. Аллох таоло айтади: «У мўминларга Рахми бўлган Зотдир». Киёмат Кунида Аллохнинг рахму шафкатига, меҳру раҳматига бу дунёда покиза иймон ва соф эътикод билан яшаб ўтган одамларгина етадилар. Демак, Аллох таоло бу дунёда ҳаммага Меҳрибон, Охират диёрида эса факат мўминларгагина рахм-шафкат Эгаси бўлган Зотдир. Шунинг учун бизлар бу дунёдан бир мўмин одам сафар килса, Аллох раҳмат килсин деймиз, яъни энди Охират диёрида Аллохнинг раҳмига сазовор бўлсин, деганимиз бўладики, бу раҳматга факат мўминлар муяссар бўладилар.

### **2.□□ □ Алхамду лиллахи роббил алабийн – Хамду сано барча оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллох учундир.**

Айрим уламолар, юхорида айтиб ўтганимиздек, «Бисмиллах»ни сураи Фотихадан биринчи оят десалар, бошка баъзи олимлар, хусусан, бизнинг Ханафий мазҳаб уламолари сураи Фотиханинг биринчи ояти «Алхамдулиллахи роббил алабийн» дир, деб бунга далил келтирадилар. Масалан, улуг муфассирлардан Табарий «Жомиъул-баён» тафсирларида мана шу тафсирни киладилар: «Бисмиллахир роҳманир роҳийм», деб Аллохнинг Рахмон ва Рахим сифати зикр килинганидан кейин бир оят ўтказибок яна Рахмон ва Рахим сифати зикр килиниши аввалги «Бисмиллох» «Фотиha» сурасидан ташкаридаги бир оят эканига далилдир».

Демак, «Алхамду лиллахи роббил алабийн» ояти айрим уламолар наздида сураи Фотиханинг биринчи, бошка уламолар наздида эса, иккинчи оятидир. Бунинг билан бирор маъно ўзгармайди, лекин биз, модомики, Куръони Карим тафсирига ҳаракат килар эканмиз, уламоларнинг бу фикрини ҳам билиб ўтишимиз фойдадан холи эмас.

«Алхамду лиллахи роббил алабийн» деган бу улуг оятнинг мазмуни — «Хамд, сано, мактов, олқиш Ёлғиз Аллох учундир. У Аллох бутун оламларнинг Хожаси, Парвардигори, Эгасидир», дегани. Яъни хамду санони, мактов-олқишни Ёлғиз Аллох учун қилишимиз керак.

«Алхамду», деган сўз барча мактов, барча хамду сано деган маънони билдиради. Яъни бирон мактов йўқки, ўша мактов билан Аллох макталмаса. Хар бир мактов Ёлғиз Аллохнинг ҳаққидир.

«Лиллахи» – Ёлғиз Аллохниқидир, Аллох учундир, деганидир. Бу табиийдир, чунки Аллох таоло, бутун оламларнинг Эгаси бўлган Парвардигоримиз мактовга лойиқ бўлган танҳо

Зотдир. Биз У Зотни мактаб шукрона килишимизга сабаб жуда кўп. Аллохнинг бизга берган неъматлари чексиз. Куръони Каримда Аллох таоло: «Агар сизлар Аллохнинг неъматларини санайман десанглар, уларнинг адогига етолмайсизлар», дейди.

Хакикатан, бизга саноксиз неъматларни Аллох бериб кўйган. Демак, албатта, биз Аллохга хамд айтишимиз керак. Хамднинг Эгаси бўлиш Ёлғиз Оллохнинг хаки. Чунки У Зот бутун оламларнинг Парвардигоридир. Мана, бизларни инсон килиб яратди, инсонлар орасидан хам Ўзининг Йўлида, Ўзини истаган мусулмон бандалари каторида Тўгри Йўлга хидоят килиб кўйди. Бунинг учун биз албатта Оллохимизга хамд бўлсин, деб Оллох таолога мактов-олкиш айтамыз. Хар бир ишимизда, хар олган нафасимизда, бизлар учун бутун оламини хизматкор килиб кўйгани учун, ўз вужудимиз хам, атроф-жавонибдаги барча жонли-жонсиз нарсалар хам Оллохнинг амри билан биз — инсонларга бўйинсуниб, хизмат килиб тургани учун Оллохга шукр киламыз.

Ахир тасаввур ва тафаккур килсак, биз нафас олаётган, лекин ҳеч ким кўзи билан кўриши мумкин бўлмаган хавонинг ўзи Оллохнинг бизга берган бир буюк неъматидир. Буни ҳеч ким ишлаб чиқараётгани йўқ. Ёлғиз Оллох бандаларини нафас олиши учун мана шу хавони ортикчаси билан таъмин этиб турибди. Ёки бизларнинг поклигимизни таъмин этиб турган сув хам Оллохнинг неъматидир. Тасаввур килинг, ўша сиз билан биз истеъмом киладиган, фойдаланадиган, ташналигимизни кондирадиган, бизга таом бўладиган, кир бўлсак, бизни тозалайдиган сув мана шу Оллох таоло яратган Ерда — заминда турибди. Ахир хар кандай тупрокка сув куйилса, сингиб кетади-ку, лекин Оллох таоло шу бандаларим фойдалансинлар деб ўша Ерда, сен устингдаги сувни сингдирмасдан саклаб турасан, деб буюрган. Бу бизга катта неъматдир. Айрим дарёлар, денгизларга кўшилиб кетади, ўрталарида ҳеч кандай тўсик йўқ. Лекин уларнинг суви бир-бирига аралашмайди. Оллох таоло Куръони Каримда ўша сувларнинг бирини шўр, бирини чучук килиб кўйганлигини бизга миннат килади, яъни, бандалари фойдаланиши учун халиги шўр сувнинг тузи чучук сувга ўтмасдан турсин деб, уларнинг ўрталарига кўз билан кўрмайдиган, лекин ўта мустахам бир тўсик кўйганини зикр килади. Мана бу бизларга Оллохнинг неъматидир эмас-ми? Ёки ўзимизнинг вужудимиздаги аъзоларга қарайлик, Оллохнинг амри билан ишлаб турибди, сиз ва бизни аклимиз билан эмас, кувватимиз билан хам эмас, илмимиз билан эмас, балки, Оллохнинг буйруги билан бизларга хизмат килиб турибди. Мана, масалан, бизнинг хаётимиз белгиси бўлган, тинмасдан уриб, ишлаб турган юрагимиз хақида бир фикр юритайлик. Буни биз ўзимиз ақл билан ишлатиб турган бўлсак, ухлаб колганимизда, юрак уриши хам тўхтаб қолиши керак эди. Тасаввур килайлик, агар юрак беш дақиқа урмаса нима бўлади? Лекин Оллох таоло шу юракка ишлаб турасан, деган буйрукни берди, сени ўша бандамнинг ичига жойлаган эканман, у хаёт бўлиб, ҳаракат хилиб яшаб туриши учун сен доим ишлайсан, у билса хам, билмаса хам, уйгок, вақтида хам, ухлаётганида хам, хушида хам, тушида хам, хар кандай ҳолатда ишлайсан, деган буйруқни бердики, энди уни ҳеч ким тўхта-толмайди, факатгина Оллохнинг Ўзи хоҳлаган пайтида тўхтатади. Ана шундай, биз атрофимиздаги оламга харасак хам, ўз вужудимизга карасак хам, Оллохнинг сон-саноксиз неъматларини кўрамыз. Демак, албатта, «Алхамду лиллахи роббил-аламийн» Оллохга хамд бўлсин, деймиз.

Роббил алаамийн — барча оламларнинг Парвардигори. Роб деган сўз Хожа, Эга,

Парвардигор деган маънони билдиради.

Олабийн — оламлар дегани. Яъни, барча оламларнинг Хожаси, Парвардигори бўлган Оллохга хамд бўлсин. Оламлар Парвардигори ибораси бошха бир сурада: «Роббиссамовоти вал-арзи ва ма байнахума». Яъни, «Осмонлар, Ер ва уларнинг ўртасидаги барча нарсаларнинг Парвардигори», деб тафсир килинади. Демак, осмонлар, Ер ва уларнинг ўртасидаги нарсаларнинг барчаси олам хисобланар экан.

Ўн саккиз минг олам дейилади. Сиз билан биз бир инсоният оламимиз. Атрофимизда бошка оламлар хам бор. Масалан, паррандалар олами, даррандалар олами, наботот олами, жамодот олами, тогу тошлар.

Биз кўра оладиган оламлар санохлик, лекин биз билмайдиган оламлар хам бор, шу боис кадимдан уламолар Оллох таоло ўн саккиз минг олам Эгаси, деган иборани кўллайдилар. Биз мана шу оламларнинг Эгаси бўлган Ёлгиз Оллохга хамд айтамыз. Яъни, хамдга лойик бўлиш Оллох таолодан ўзга хеч кимнинг, жумладан, бирон инсоннинг имконида йўк нарсадир. Чунки инсонга кандай бир шараф, катта мансаб ё бошка бир мартаба ато килинмасин, ўша фазилати учун мактайлик десак, унинг бошка юзта нуксони бизни хижолат килиб кўяди.

Демак, Яратган Парвардигор — барча оламларнинг Эгасигина мактовга Лойик Зотдир.

Оламлар деган сўзнинг ўзи араб тилидаги «аломат» деган сўздан келиб чиккан, дейишади. «Аломат» деган сўз бизнинг ўзбекчада ишлатилади, у «белги» деганидир. Яъни, ўн саккиз минг оламдан хар бир олам ўзининг Яратгувчиси — Ёлгиз Оллохнинг бор ва бир эканига аломат-белги экан. Хакикатан, энг кичкина заррани карасак хам ёки жуда катта бир сайёрага назар солсак хам, уларнинг хар бири ўзининг Яратгувчиси, парваришлаб бошкариб турувчиси бор эканига далолат килиб туради. Мана, хозирги замонимизда, сиз билан биз яшаётган илм ривожланган, фан тараккий топтан, хилма-хил асбоб-анжом, жихоз ва ускуналар тўлиб-тошган бир даврда хам бир пашшанинг канотини яратишнинг имкони бўлмаётир. Дархакикат, биз инсонлар учун бунинг имкони йўк, бу факат Оллохнинг кўлидан келадиган иш. Демак, бир пашшанинг канотини бутун инсоният тўпланиб ярата олмаса, ўша пашшанинг каноти хам Оллохнинг — Яратувчининг борлигига далолат килиб турадиган бир аломат-белги экан.

### 3.□□ □ Ар-Рохманир-Рохийм — Мехрибон ва Рахмли.

Буояти кариманинг маъноси юкорида айтиб ўтилди. Оллох таоло шундай Мехрибон ва Рахмли Зот. Оллох таолонинг ушбу буюк сифатлари «Бисмиллох»да хам келиб, яна бу ўрин-да кайта такрорланишининг сирри-сабаби тўгрисида муфассир уламолар шундай дейдилар: «Биз инсонлар ўзимизнинг ожизлигимиз, бепарволигимиз, илмсизлигимиз сабабидан умримизнинг кўп кисмини ибодатсиз, итоатсиз ўтказиб, нотўгри ишларга сарф килиб, ёшимиз бир жойга етиб борганида, тавба-тазарруъ килиб, ибодат йўлига ўтайлик десак, шайтон дилимизга васваса солиб: «Сен шундай гунохлар килдингки, энди сени Худо хеч хам кечирмайди», деб алдаганида, ноумидликка тушиб колмаслигимиз учун Оллох таоло яна бир бор бизларга: «Мен Мехрибон ва Рахмлиман», деб сура



ўртасида ҳам таъкидламоқда».

Яна бошқа бир оятда: «Да такнатув мин рахматиллах», яъни, «Оллохнинг рахматидан ноумид бўлманглар», дейди Оллох таоло. Бу оят билан Оллох таоло Ўз Пайгамбарига хитоб қилиб айтадики: «Эй Мухаммад алайхиссалом, хадларидан ошган, ибодатга бепарво бўлган бандаларимга айтиб қўйинг, Менинг рахматимдан ноумид бўлмасинлар». Мана бу оятда Оллох таоло ўзининг Рахмону Рахийм эканини таъкидлаш билан сизларни вужудинглар, такдиринглар барчаси Ёлғиз Менинг Қўлимда, агар Мен рахматимга олсам, ҳеч қайси гуноҳ Менга писанд эмас, кечираман, демокда. Шунинг учун Рахмону Рахийм сифатларини Оллох таоло бу сураининг ўртасида бизга яна бир таъкидлаб ўтади.

Хакикатан, Рахмон — меҳрибонлик сифати ҳамма нарсада кўринадиди. Нафакат Ерда хатто осмонда ҳам. Зотан, осмондаги қушларни тутиб турган ҳам Рахмондир. Бу ҳақда Оллох таоло шундай марҳамат қилади: Устиларидаги қушларга бир қарамайдиларми?! Улар қанотларини ёзиб саф бўлиб ёки қанотларини йиккан холида ҳам Ерга қулаб тушмасдан осмонда турибдилар. Уларни фақат Рахмон, (яъни, Меҳрибон Оллох) ушлаб турибди».

Осмондаги қушни Оллох ушлаб турибди, буни кўзимиз билан кўриб турибмиз, бунга ақлимиз етади. Лекин биз турган Ер ҳам осмонда турибди, яъни, фазода айланиб турган сайёра, сиз билан биз неча миллиард инсоннинг ва барча жонзотларнинг ҳаёти ўтаётган мана шу заминимиз — мана шу Ерни ҳам Рахмон ушлаб турибди. Оллох таоло бир қушни осмонда ушлаб турганига хайрон бўлсагу, буқадар буюқ сайёрани хавода муаллақ ушлаб турган Рахмон ва Рахим бўлган Оллох таоло эканини унутиб қўйсак тўғри бўлмайди.

Демак, Рахмон бўлган Оллохимиз мана шундай Меҳрибон, гуноҳларни Кечгувчи, тавбаларни Қабул қилгувчи ва бутун оламни Ўз ҳикмати билан Бошқариб тургувчи Меҳрибон Зотдир.

Ибодатларимиз, яхши амалларимиз жуда оз. Борлари ҳам нуқсонли. Биз шу амалларимизга суяниб ҳеч нарсага етолмаймиз. Чунки бу амалларга бизни қодир қилган ҳам ўша Меҳрибон Оллохдир. Лекин Оллох Ўзи бизларнинг билиб-билмай қилган гуноҳларимизни кечаман деса, бизларни мана шу нуқсонли амалимизни қабул қиламан деса, у Ўзининг Қўлидаги ишдир.

«Сахиҳул-Бухорий»да Оллох таоло тавба қилган бандасини қанчалар яхши қўриши ва гуноҳларидан ўтиши хусусида қўплаб ҳадислар қорид бўлган. Ривоят қилинишича, Пайгамбар алайхиссалом жиҳод вақтида асир тушган қишилар орасида бир аёлни шу асирларнинг гўдак-чақалоқларини эмизаётганини кўрсатиб, саҳобаларига: «Мана шу хотин ўзининг боласидан бошқа чақалоқларни ҳам эмизаяпти, шу аёлга ўз болангни ўтга ташла деб буюрилса, ташлайдимиз?», деб сўрадилар. Саҳобалар: «Ҳеч қачон, ўзини ўтга ташласа, ташлайдики, лекин боласини ташламайди», дедилар. Шунда Пайгамбаримиз: «Оллох таоло ҳам бандасини ўтга ташлашни истамайди. Бу онанинг ўз боласига бўлган меҳридан кўра Оллохнинг сиз билан бизга бўлган меҳри буюқроқ, улугроқдир», дедилар.

Ёки яна бир ҳадисда Расулulloх соллalloху алайхи васаллам шундай марҳамат

Муаллиф:

21.01.2014 01:56 - Янгиланди 24.06.2017 16:23

---

киладилар: «Туя миниб кетаёган бир мусофир чарчаб, истирохат килгани тушиб, озгина дам олиб кўзини очса, миниб келган туяси устидаги бор нарсалари билан йўк эмиш. Чор атрофдан кидириб, хеч каердан тополмасдан чарчаб, хориб келиб, яна ухлаб крлибди. Бир оз вақт ўтгач, уйғониб караса, йўколган туяси кайтиб келган экан. Ўша инсон шу пайтда канчалар хурсанд бўлади», дедилар хазрати Расулulloх, сўнгра кўшимча килдилар: «Сиз билан биз гуноҳларимизга тавба килиб Оллоҳга кайтсак, Мехрибон Оллоҳимиз бундан ҳам кўпроқ хурсанд — рози бўлади».

Хар бир яхши амалингиз учун мукофотлар ато этаман, тавбаларингизни қабул киламан деб турган Зотдан ҳам мехрибон биров борми? Шунинг учун ҳам бу сураи каримада Оллоҳ таолонинг Раҳмону Раҳим деган сифатлари яна бир бор зикр килинди.

#### **4.□□ □ Малики явмиддин — Дин — Жазо Кунининг Эгаси.**

«Дин» сўзи жазо маъносини англатади. «Явмуд-дин» — Жазо Куни деганидир. «Малики явмид дин» — Жазо Кунининг Эгаси — Подшохи деганидир. Бу Ёлғиз Оллоҳ таолонинг сифатидир. Яъни, бу дунёда турли подшоҳлар бўлиши мумкин, яхши-ёмонлари ҳам, адолатли ва золимлари ҳам. Уларнинг подшоҳликлари шу дунёнинг ўзидаёқ тугагини ҳам кўриб турибмиз, канчадан-канча подшоҳлар бу дунёдан ўтиб — йўк бўлиб кетганларини ҳам кўриб-эшитиб турамыз. Демак, булар шу дунёнинг муваккат мансаб-лавозимлари экан.

Лекин хакикий дунё бўлган Охират диёрида битта Подшоҳ бор — У Оллоҳдир. Жазо Кунининг Эгасиман — Подшоҳиман, дейди Оллоҳ таоло.

Биз «дин» сўзи жазо деган маънода келишини айтдик. Диндор дегани ўша жазо борлигига ишонадиган инсон деганидир. Мана, диндор билан динсизнинг фарқи шу сўзнинг ўзида аён бўлади. Факат бугунни ўйлайдиган, хозирнинг хузурини кўзлайдиган, келажакда — Охират диёрида нима бўлиши хакида тафаккур килмайдиган инсонни динсиз дейилади. Яъни, ундай кимса килаётган иши савобми, гуноҳми эканига ёки бировларга манфаатлими, зиёнли эканига ҳам карамайди. Хозир роҳат килиб колсам, хозир топиб колсам, айшу ишрат килиб колсам бўлди, дейди. Мана шу инсон динсиз инсон бўлади. Худди рўздор деганда рўзани ушловчини тушунганимиз каби, диндор деб динни тутувчини тушунамыз. Динни ушлаб турган диндор инсон эса хар бир ишида шу ишни кияпман, эртага шунинг жазоси бор, ўлганимдан кейин Киёмат Кунида Оллоҳ олдида шу ишимга жавоб бераман деб ишонадиган инсондир. Бошқача айтганда, хакикий инсон диндор бўлади. Масалан, хайвон хохлаган ишини килиши мумкин, уни биров айбламайди. Чунки Оллоҳ унга яхши-ёмонни ажратадиган ақл бермаган. Аммо инсонга эса Оллоҳ таоло ақл-фаросат неъматини ато этганки, агар у шу ақли билан иш тутмаса, халолни харомдан ажратмаса, савобни гуноҳдан афзал билмаса, у инсон хайвондан фарқсиз бир махлук бўлади. Диндор инсон эса хар бир ишини эртага Оллоҳ олдидаги жазо, масъулиятни ўйлаб килади. Мана шу диндорликдир, мана шу хакикий инсонликдир.

«Явмуд-дин»нн Жазо Куни, дедик. Бу сўз шундоқ, осонги-на айтиб кўйиляпти, лекин бу Кунни сиз билан биз тўла тасаввур кила олмаймыз. Хатто Хазрати Мухаммад

алайхиссаломга Жаноби Хак таоло миннат килиб айтади: «Эй Мухаммад алайхиссалом, Жазо Куни кандай Кун эканини каердан хам билардингиз, Сиз билмайсиз, яна бир бор айтаман йўк Сиз билмайсиз», дейди.

Яъни, биз юкоридаги ояти каримадан ўрганиб, Расулulloхнинг хадисларидан эшитиб Жазо Куни бор, деб иймон келтирамиз, лекин уни бутун холатида, бутун хатари билан, бутун кўлами билан, бутун дахшати билан билолмаймиз, то бориб кўрмагунча тўла хис килолмаймиз. Оллох таоло ўзининг энг улуг бандасига, энг якин дўстига, бутун оламлар учун рахмат килиб юборган энг сўнги Пайгамбарига «Сиз хам билмайсиз, факат Мен биламан», дейди.

Оллох таоло у Кун хакида яна: «Жазо Куни хеч бир жон бирон жон учун бирон иш килишга эга бўлолмайдиган Кундир», деган.

Яъни, бу дунёда бирор хато килсак, бизнинг кўллайдиганларимиз бор, ўшаларни орага кўйиб, айрим жазолардан кутулиб хам кетишимиз мумкин, лекин «У Кунда хеч ким биронинг орасига туша олмайди. У Кунда Ёлгиз бир подшоҳ бўлади, у Менман», дейди Оллох таоло.

### **5.□□ □ Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн — Сенгагина ибодат киламиз ва Сендангина мадад сўраймиз.**

Мана бу Илохий Сўзлар билан биз хар куни намозимизнинг хар ракаатида Оллох таолога илтижо килиб: «Ёлгиз Сенгагина ибодат киламиз. Чунки хамду саного Лойик Ўзингсан, Оламларнинг Хожаси Ўзингсан, энг Меҳрибон ва энг Рахмли хам Ўзингсан, бу дунёгина эмас, Охират Кунининг Эгаси хам Ўзингсан, бас, Сендан бошка кимга ибодат киламиз, албатта Ёлгиз Ўзингга ибодат киламиз, Ёлгиз Ўзингдан мадад сўраймиз», деб ваъда берамиз.

«Ийяка наъбуду»... Бу сўз хар бир кишининг мўмин бўлиши ва динга киришининг калити бўлган «Ла илаха иллоллох Мухаммадур-расулulloх» калимасининг маъносидир. «Хеч кандай худо йўк, Ёлгиз Оллох бордир. Ва Мухаммад алайхиссалом Оллохнинг элчисидир», деб иймонга кирган эканмиз, «ийяка наъбуду» деган сўзимиз хам худди шумаънони билдиради. Яъни, Сендан бошка хеч кандай худо йўк, Сен Ўзинг Ёлгизсан, Сендан бошка сигинадиганимиз йўк, Сендан бошка суянадиганимиз йўк, Сендан бошка бирон бизга ёрдам хам беролмайди.

«Ва ийяка настаъийн — Ёлгиз Ўзингдангина мадад сўраймиз». Бизларга мадад берадиган биргина Зот бор, У Зот Ягона Оллохдир. Оллох хохламаса, хеч ким бизга бирор яхшилик кила олмайди, Оллох хохламаса, хеч ким бизга ёмонлик хам кила олмайди.

Мана, бизлар Оллохнинг номи билан бошлаб, хамду сано билан Оллохнинг сифатларини айтиб, Унинг Ўзи бу дунё ва Охират Эгаси эканини эътироф этиб, Ўзигагина ибодат килиш, Ўзидангина мадад сўраш ваъдасини бериб туриб, эндиги навбатда куйидаги ояти каримани ўқиймиз:

## 6.□□ □ «Ихдинас сиротол мустаким — Ўзинг бизни Тўғри Йўлга хидоят килгин».

Мана шу оят сураи Фотиханинг юрагидир. Бизларга Оллохимиз ушбу сурани ўқишни буюрар экан, мана шу дуони қилишимиз учун буюрган. Яъни, «Ўзинг бизларни Тўғри Йўлга хидоят килгин». Оллохдан бизнинг тиланчимиз, дуойимиз, илтижойимиз, ёлвориб сўрайдиган нарсамиз шудир.

«Сирот» — йўл дегани. «Мустаким» — тўғри деган маънони англатади. «Ихдина» деган сўз бизни хидоят килгин, йўллагин, бошлагин, етаклагин, деган маънодадир. Ушбу оятда бизлар бу дунёдаги ҳаётимизни адашмасдан, эгри йўлларга кириб кетмасдан, адашиб залолатга тушиб қолмасдан ўтиб олишимиз учун ҳар қуни, ҳар соатда, намозимизнинг ҳар рақатида «Ўзинг бизни Тўғри Йўлга хидоят килгин», деб сўраб туришимиз барча оламларнинг Парвардигори, Жазо Қунининг Эгаси бўлмиш Меҳрибон ва Раҳмли Оллох таоло томонидан бизга буюрилди. Демак, бизлар ўзимизнинг илмимизга ёки аклимизга ёки нимадир бошқа нарсамизга суяниб, Тўғри Йўлни топаман десак, ўша адашганимиздир. Чунки бизни Оллох хидоят қилсагина, Тўғри Йўлни топамиз.

«Сиротул-мустаким» деган сўзни тафсир қилиб, «Сирот» Қуръондир, дейди баъзи уламолар. Бошқалари эса, «Сирот»-ни Ислом дейишади. Яъни, бизларни Тўғри Йўлга бошлагин дегани — бизларни Ўзингнинг Қаломингга бошлагин, ҳаётимизни Сенинг Қаломинг андозасида, Сен буюрган ишларни адо қилиб ўтказишга бошлагин, деганимиз бўлади.

Бошқа уламолар эса, Исломингга бошлагин яъни, адашиб, динсиз бўлиб, нотўғри ишларни, нотўғри йўлларни дин қилиб, залолатда ўтиб кетмасдан, Исломингга, ҳақиқий Дининг, сўнгги муқамал Динингга эриштиргин, хидоят қилгин, деганимиз бўлади, деб ҳам тафсир қиладилар. Мана шу бизлар доим Оллохдан сўрашимиз лозим бўлган нарсадир. Чунки Оллохнинг Йўлига кириш осон эмас. Бу Ёлғиз Оллохнинг хидояти билан бўлади. Агар биз астойдил сўрасак, ҳаракат қилсак, Оллох таоло бизни Ўзининг Тўғри Йўлига йўллайди.

Мана шу Хидоятдир. Яъни, Оллох таоло бутунлай бошқа йўлда турган, бошқа тарафни истаб юрган одамларни, бу Тўғри Йўлга мажбуран буриб қўймайди, балки ўзи истаган инсонларни, Ўзидан Ҳақ йўлни сўраган бандаларни Тўғри Йўлга бошлайди.

«Бизни хидоят қилгин» деганимиз бизларни ҳам ўша Тўғри Йўлингга излагай одамларнинг қаторида қилгин, деганимиздир. Чунки, мусулмонларнинг орасида ҳам Тўғри Йўлга юришдан узоқда бўлган кишилар йўқ эмас.

Одамлар ёзган нарсаларни Қуръондан кўра афзалроқ деб ўйлаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Бошқа ҳар қандай қитоб Оллохнинг Қитобига қандай тенг қелади? Нега улар адашадилар? Шуни билмайдиларми, деб сўрарсиз? Билмайдилар, чунки, уларни Оллох хидоят қилган эмас. Қуръоннинг қадрини Оллох хидоят қилса, биламиз.

Биз оддий инсонлар Қуръон нақадар улуғ Қитоб эканини сўз билан етказиб беролмаймиз. Тўғри Йўлда юришимиз учун Исломнинг асоси бўлган Қуръоннигина

ушлашимиз кераклиги-ни Ёлгиз Оллохдан бошка ҳеч ким бировга етказиб беролмайди. Агар Оллох таоло Ўз инъоми — мархамати билан кимнинг онгига, вужудига, калбига Тўғри Йўлга бўлган мухаббатни сингдирар экан, мана шу Оллохнинг хидоятидир. Куйидаги ояти каримада ана ўша Оллохнинг инъомига сазовор бўлган зотлар хақида сўз боради.

**7.□□ □ Сиротоллазийна анъамта алайхим гойрил магзувби алай-хим ва лаз-золлийн — (Бизларни) шундай зотларнинг йўлига (бошлагин)ки, Сен Ўзинг уларга (Тўғри Йўлни) инъом килгансан — улар (Сен томондан) газабга дучор бўлмаганлар ва залолатга кетмаганлар — адашмаганлар.**

Яъни, «Эй Парвардигор, бизларни газабингга дучор бўлмаган, залолатга кетмаган, Тўғри Йўлдан озмаган бандаларингга инъом этган Йўлингга хидоят килгин». Хўш, Оллох таолонинг инъомига кимлар сазовор бўлган? Бу ҳақда бошка бир сурада хабар берилишича, улар пайгамбарлар, сиддиклар — чин иймон, ихлос эгалари, Оллох Йўлида курбон бўлган шахидлар ва Оллохнинг буюрган амалларини адо килган солихлардир.

У холда Оллох таолонинг газабига дучор бўлганлар кимлар эди? Муфассир олимлар жаноби Расулulloх алайхиссаломнинг саҳобаларидан ривоятлар киладиларки, Оллохнинг газабига дучор бўлганлар яхудлар эди.

Залолатга кетганлар кимлар эди? Жаноби Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам дедиларки: «Насоролар — адашганлардир».

Яхудлар нега Оллохнинг газабига гирифтор бўлдилар? Бунинг сабаби, улар Оллох таолони таниган эдилар. Оллохнинг пайгамбари — Мусо алайхиссаломга иймон келтирган эдилар. У зотга нозил бўлган Таврот Китобида уларга Оллохнинг охириги Пайгамбари Мухаммад алайхиссалом келиши хақидаги хабар ҳам нозил бўлган эди. Пайгамбар алайхиссалом дунёга келишларидан, хали Пайгамбар бўлишларидан илгари яхудийлар «Хали бир Пайгамбар келади, биз унга ёрдамчи бўламиз», деб даъво килар эдилар. Лекин Оллох таоло Пайгамбар алайхиссаломни яхудлардан эмас, араб кавмидан чиқарганида, улар бирдан тўнларини тескари қийиб, кофир бўлдилар.

Оллох таоло Куръонда айтади: «Қачонки уларга (яхудларга) ўзлари оилган нарса келгач, улар (ўзлари билган) нарсани инкор қилиб, кофир бўлдилар. Бас, Оллохнинг лаънати бўлсин бу кофирларга».

Яна бошка бир ояти каримада келади: «Улар газаб устига газаб билан қайтдилар».

Яъни, бутунлай газаб остида колдилар, деб яхудийларни Оллох таоло лаънатлайди. Нима учун? Улар билганига амал килмаганлари учун. Ўзлари таниган охир замон Пайгамбарига иймон келтирмаганлари учун.

Энди, насронийларнинг адашганлар деб, сифатланиши сабабига келсак, уларга ҳам Оллох пайгамбар юборгандир. Хазрати Ийсо алайхиссалом уларга Илохий хабар олиб келди. У зотга Оллох Инжил номли Китоб нозил килди. Лекин насронийлар Оллохнинг

пайгамбари бўлган Ийсони худо дедилар — адашдилар. У кишининг онаси Марямни ҳам худо дедилар — адашдилар. Адашиш бундан ортик бўлмайди. Шунинг учун Оллох таоло уларни бир сўз билан адашганлар деб номлайди. Яъни, Ёлгиз Оллохга ибодат қилмай, Аллохни учта дедилар — Оллохнинг аёли Марям, Оллохнинг ўгли Ийсо дедилар. Бундан ортик адашиш бўладими?!

Яна улар шундай адашдиларки, кўлларида Ийсо алайхиссаломга тушган Инжил ҳам қолмади. Бирон китобга эргашишга имкон топмай қолдилар. Инжил деб аталган китоб турибди, лекин Ийсо алайхиссаломга тушган Инжил эмас у. Ер юзининг бирон ерида бу Китобнинг асл нусхаси қолмаган. Буни улар ўзлари ҳам тан оладилар. Каерда бўлмасин, Инжилнинг таржималари ўқилади. Унинг етмишдан ортик, нусхаси бор. Лекин асли ҳеч кимда, ҳеч қаерда йўқ. Мана, хақиқий Китоб бўлган Куръони Каримнинг бирон ҳарфи ҳам заха бўлмасдан, йўқолмасдан кўлимизда турибди. Шунинг учун Куръонни тафсир қилганимизда, бизларнинг тафсир-таржималаримизнинг хато ёки тўғрилигини аслига солиштириб билиб олиш мумкин. Аммо Инжил таржималарини солиштирадиган асл нусха йўқ. Демак, насронийлар йўлдан озиб, адашиб, Тўғри Йўлни истасалар ҳам, тополмайдиган даражага тушдилар. Биз мўмин-мусулмонлар мана шундай адашганларни йўлларида узок қилишини сўраб, Оллохга дуо қилишимиз керак. Яъни, газабингга дучор бўлмаган ва адашмаган бандаларингга инъом қилган йўлинг бўлган Тўғри Йўлга бошлагин деб Оллох таолога илтижо қилишимиз ушбу муборак суранинг қалбидирки, бизларга Парвардигоримиз мана шундай дуони қилишимизни буюради. Савол тугиладики, нега Оллох таоло тўғридан-тўғри яҳудийлар, насронийлар демасдан, улар хақида газабга дучор бўлганлар, адашганлар, деган ибораларни қўлади? Бунинг сабаби шундаки, кимда-ким ўша яҳудларга ўхшаб, балганларига амал қилмаса ёки насронийларга ўхшаб, Оллохга ширк келтирса, ундай кимсалар қайси миллатдан бўлишларидан қатъи назар, Оллохнинг газабига дучор бўлган ва йўлдан озган — адашган ҳасобланадилар. Шу боисдан биз Оллох таолога илтижо қилиб сўраймиз: «Парвардигоро, Сен бизларни газабга дучор бўлган кимсалар йўлини тутувчилардан қилмагинки, улар Хакни таниб туриб, унга амал қилмаган яҳудийлар ва уларга ўхшаган кимсалардир. Яна бизларни йўлдан озганлардан қилмагинки, улар Тўғри Йўлни топмасдан адашган насронийлар ва уларнинг изидан эргашган кимсалардир». Ушбу дуода мусулмон қалб учун бўйинсунмаслик, нодонлик ва йўлдан тойиш иллатларидан ҳалос қилгувчи шифо ҳамда Исломдек Буюк Илохий неъматга далолат бор. Бас, ким Хакни яхши билгувчи ва унга доимо эргашувчи бўлса, ана ўша инсон Тўғри Йўлга ҳақдорроқ бўлади. Шубҳасиз, ўтган пайгамбарлардан кейин Расулуллох соллаллоху алайхи васалламнинг саҳобалари ушбу неъматга энг лойиқ кишилар эдиларки, юқоридаги оят ана ўша зотларнинг фазилатларига ва улуг манзилатларига ҳам далолат қилади. Оллох улардан рози бўлмай!

Ўқувчи учун «Фотиха» сурасини ўқигандан сўнг «Омин», дейиш чиройли иш бўлиб, бунинг маъноси: «Оллохим, ижобат қилган», демақдир. Бу сўз уламолар иттифоқи билан «Фотиха» сурасидан бир оят эмасдир. Шунинг учун ҳам уларнинг барчалари «Омин»ни Мусхаф — Куръон Китобларига ёзилмаслигига қарор қилганлар.